# Mahalla

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

3 (657) | WWW.MAHALLA.UZ | 2009 ЙИЛ 21 ЯНВАРЬ. ЧОРШАНБА | 1996 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ, «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА НАШРИ | ISSN 2010-7013 | mahalla.gz@rambler.ru


**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

### Ўтган йил якунлари сарҳисобида ҳам, 2009 йил режаларида ҳам аҳоли манфаатларига хизмат қилади.

**Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг 2008 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган Пленуми бўлиб ўтди.**

***Пленумда жамғарманинг республика бошқаруви Раёсати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раислари, жамғарма фаоллари, турли давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

Мазкур жамғарма бошқаруви раиси А.Аҳмедов анжуманни очар экан, 2008 йил — «Ёшлар йили»да Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлим бошқарувлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, давлатимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига етказишда фаол иштирок этиш, ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом, шунингдек, уларнинг келажакда комил инсон бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароит яратиш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда муайян ишлар олиб борилганини алоҳида қайд этди.

Шу билан бирга, нотиқ ўз сўзида анжуманни ўтказишдан мақсад – фақат йил якунларини сарҳисоб қилиш, 2009 йил режаларини муҳокама этишдан иборат эмас, балки жамғарма фаолиятининг устувор вазифаларига янада жиддий эътибор қаратиш, яъни улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда зиммамиздаги масъулиятни кучайтиришдир, деди.



Таъкидлаш жоизки, жамғарма фаолияти йўналиши бўйича асосий эътиборни Президентимизнинг 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805 қарори билан тасдиқланган «Ёшлар йили» Давлат дастурининг 21 бандида кўрсатиб ўтилган тадбирларни тўлиқ бажарилишига қаратди. Бу хайрли ишлар учун «Маҳалла» жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан 2660,5 млн. сўмлик маблағ йўналтирилиб, умумий сарф-харажатлар белгиланган режага нисбатан 115 фоизга бажарилди.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётида маҳалла институтининг ўрни ортиб, фаолият кўлами ва ваколат доираси кенгайиб бормоқда. Ҳозирга келиб, мамлакатимизда 10 мингдан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд.

(Давоми 2-саҳифада)

## РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22-23 январь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

## СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

**Болалар спорти**



***Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Чунки мамлакатимиз келажаги болаларимизнинг ҳар томонлама етук ва билимли бўлиб вояга етишига боғлиқ.***

Истиқлол йилларида юртимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг чекка-чекка қишлоқ ва овулларида, маҳаллаларида замонавий спорт мажмуалари қад ростлади. Масалан, биргина 2008 йилда 186 та спорт иншооти қурилди. Ушбу спорт мажмуаларининг 162 таси қишлоқларда бунёд этилганининг ўзиёқ ўлкамизнинг барча ҳудудларида болалар спорти улкан аҳамият касб этаётганидан далолат беради. Бугун бу мажмуаларда минглаб фарзандларимиз спорт билан шуғулланиб, соғликларини мустаҳкамламоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги Фармонига биноан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар йили янги спорт иншоотлари, стадионлар, турли майдончалар қурилмоқда. Шунингдек, уларни турли спорт инвентарлари билан таъминлашга ҳам жамғарма баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяпти. Президентимиз томонидан 2004 йилнинг 29 август куни имзоланган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-табирлари тўғриси»даги Фармони соҳадаги ишлар кўламини янги пағонага кўтарди.

Спортда эришаётган ғалабаларимиз эса йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Бунга узоқдан мисол излаб юриш шарт эмас. Ўтган йили Пекинда ўтган XXIX Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медалига сазовор бўлди. Айтиш жоизки, аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатдан биздан бир неча баравар катта давлатлар спортчилари ҳам бундай муваффақиятларга эриша олгани йўқ.

Шу ўринда ёшларнинг халқаро мусобақалардаги иштирокини ҳам бир таҳлил қилиб кўрайлик. Зеро, болалар спортига бўлган эътибор натижалари, аввало, ёшларимиз эришаётган ютуқларда кўринади. Ўтган йили 423 нафар ёш спортчиларимиз турли халқаро мусобақаларда қатнашиб, 17 та олтин, 15 та кумуш, 15 та бронза медалларини қўлга киритишди. Футбол бўйича мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси эса қитъа чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, бу йил Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дўппини бошдан олиб бир ўйлаб кўрайлик. Бу ютуқлар замирида нима ётибди? Болалар спортини ривожлантиришга берилаётган эътибор эмасми, ғалабаларимиз омили? Юртда соғлом авлодни тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган ишлар эмасми, ютуқларимиз гарови?

Ўтган ҳафта Президент Ислом Каримов раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида шулар ҳақида гапирилди. Йиғилишда жамғарма томонидан ўтган йили амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Таъкидландики, мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 декабрдаги «2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорти объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2008 йилда қуриб битказилган спорт иншоотлари ва мактаб спорт заллари учун зарур жиҳозлар рўйхати ишлаб чиқилди. Барча спорт иншоотлари зарур анжомлар билан жиҳозланди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 2 миллиард сўмликдан зиёд спорт кийимлари совға қилинди.

— Спорт — соғлом авлод, соғлом келажак деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади, — деди Юртбошимиз.

Қайд этиш лозимки, ўтган йили 166 та мактабда спорт заллари қуриб битказилди. Бундан ташқари, кўплаб шаҳар ва қишлоқларда ҳам юзлаб стадионлар, теннис кортлари, воллейбол ва футбол майдонлари фойдаланишга топширилди. Хўш, улардан қандай фойдаланилаяпти? Ҳамма спорт заллари ҳам болалар ихтиёрига бериб қўйилганми? Йиғилишда ана шу масала жиддий таҳлил этилди.

Президентимиз қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб шундай деди:

— Келажак авлоднинг соғлом бўлиши аввало аёлга боғлиқ. Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак. Ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни вояга етказиш асосий вазифаларимиздандир.

Маълумки, республикамиздаги болалар спорти мажмуаларининг аксарияти қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар ҳудудида жойлашган. Кейинги йилларда маҳалла болалари ўртасида турли спорт мусобақалари уюштириш ҳам анъанага айланиб бормоқда. Шундай экан, спорт иншоотларининг мунтазам ишлашини назорат қилиш, уларни спорт анжомлари, секцияларга қатнаётган болаларни эса спорт кийимлари билан таъминлаш ишига маҳалла оқсоқоллари, фаоллари бош-қош бўлиши керак. Шунингдек, бу ишга спорт мураббийларини жалб этиш борасида ҳам улардан ташаббускорлик талаб этилади. Бола оилада, маҳаллада вояга етар экан, унинг таълим-тарбиясига, мунтазам спорт билан шуғулланишига ота-она билан бирга маҳаллалар ҳам масъулдир. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

**Сайёҳ таассуротлари**

## ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

***Франциянинг Страсбург шаҳрида яшайман. Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келганман. Сафар давомида Хоразмда ҳам бўлдим.***

Тўғрисини айтсам, қадимий Хоразм тупроғида тонгларнинг отишини кузатиб, баҳри-дилим очилди. Бу лаҳзалар қалбим тўридан жой олди. Айниқса, маҳалла деб аталган аҳил жамоа, гўзал гўша мени ниҳоятда ҳайратга солди. Эрталаб Хиванинг Ичонқалъа маҳалласини айландим. Қадим шаҳарнинг бир-бирига туташ гўзал, ажойиб обидалари, тарихий ёдгорликлари шу маҳалла охирида жойлашган. Ичонқалъани Хиванинг юраги деса бўлади. Эндигина чиқиб келаётган қуёш шуъласида обидалар ўзгача, сеҳрли, жозибали кўринади. Ҳар бир ёдгорлик — саройлар, масжиду мадрасалар, миноралар, қалъа деворларининг улуғворлиги қалбимда муҳрланди. Бундай обидаларни бунёд этган инсонлар руҳи олдида таъзим бажо этгинг келади.

Менга Хивада ҳашар деган анъана ҳақида гапириб беришди. Улуғвор биноларга тикилиб қадимда ҳам маҳалла жамоасининг ҳашар деб аталган удуми кўп улуғ ишларга сабаб бўлганлигини сездим. Яна бир нарса мени ҳайратга солди. Эрта тонгданоқ ёш қизлар кўчаларга сув сепиб, теварак-атрофни супуришаяпти. Кейин билсам, улар келинчаклар экан. Айтишларича, келинчакларнинг эрта тонгдаги бундай хайрли ҳаракатлари ўзбекона урф-одат, қадим қадрият экан. Ибрат олса арзийди! Ҳовлилар олдидаги орасталикни, хиёбонларни, гулзорларни кўриб кўнглим яйради.

Маҳаллаларга тўйхоналар қурилган. Тўкин дастурхон, соз суҳбат, бир-бировни дилдан табриклаш, қутлашлар... Одамларнинг хушмуомала, ширинсўз, дилкаш, меҳмондўст, бир-бирига ҳамкор, ҳамдард, ҳамфикр эканлигини айтмайсизми. Буларнинг, ҳаммаси маҳаллада шаклланган ажойиб фазилатлар эканлигини суҳбатларда билиб олдим. Ўзбек маҳалласининг улуғлиги, ўзига хослиги шунда бўлса керак.

**Роберт КЕЙТЕГ**

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

***Тошкентда БМТ Ривожланиш дастурининг "Инсон ривожланиши концепциясини ўрганиш орқали таълим муассасалари салоҳиятини юксалтириш" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан мазкур халқаро ташкилотнинг мамлакатимиздаги доимий ваколатхонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.***

Тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёш авлодни етук ва баркамол этиб тарбиялаш, йигит-қизларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидланди.

Мазкур меморандумга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси таълим дастурига янги махсус фан киритиш ва тегишли ўқув қўлланмалари чоп этиш режалаштирилган. Бу эса академия тингловчиларининг билим ва кўникмаларини янада оширишга хизмат қилади.

– Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётир, – деди БМТ Ривожланиш дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Анита Нироди. – Бу эса инсон ривожланиши концепциясининг муҳим шартларидандир. Ўзбекистон қисқа давр ичида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришгани диққатга сазовор. Ташкилотимиз Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлайверади.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Қорақалпоғистон Республикаси**

**Иш билганга балли**

## ТАКЛИФ — ТАЛАБ АСОСИДА

***Фойдаланишга топширилганига олти ойдан ошиқроқ вақт бўлган «Қўғирот брезент» корхонасига Тошкент тўқимачилик комбинатидан келтириб ўрнатилган «АТТ-120» русумли дастгоҳларда бир кунда 2 минг метр сифатли брезент ишлаб чиқарилаяпти.***

Хомашё Беруний шаҳридаги тўқимачиликка ихтисослашган ҳиссадорлик жамиятидан пешма-пеш етказиб берилмоқда.

— Янги йилдан эътиборан, махсус ишчи кийимлари, қўлқоплар тикиб чиқарадиган цех ишга туширилди, — дейди корхона раҳбари Ойбек Бекжонов. — Тайёрлаётган маҳсулотларимиз, асосан, тумандаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарига етказиб берилаяпти. Жорий йилдаги режаларимиз янада залворли. Ишлаб чиқариш қувватини муттасил равишда ошириб бориш билан бир қаторда, аҳоли талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, нон ва нон маҳсулотларини тайёрлайдиган замонавий цех ва этикдўзлик бўлимини ишга туширишни ўйлаяпмиз. Фаолиятимиз орқасидан келадиган даромадлар эвазига аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган «Гўзаллик салони»ни ҳам барпо этиш ниятимиз бор.

Айни пайтда корхонада Тошкент тўқимачилик комбинатида малака ошириб қайтган юз нафар маҳаллий ёшлар доимий меҳнат билан машғул бўлса, келгусида корхона фаолияти кенгайиши натижасида улар сони яна 50 нафарга ортади.

**Асил БЕК,**
**«Mahalla» мухбири.**

**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

## ЮРТ ОБОД, КЎНГИЛЛАР ШОД

***Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон манфаати, унинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ва уларнинг самараси диққатга лойиқ, албатта.***



Таъкидлаш жоизки, жорий йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилингани, айни муддао бўлди. Зеро, юртдошларимизнинг салкам ярми айнан, қишлоқ, овулларда умргузаронлик қилмоқда. Аёнки, йилни бундай номланишидан кўзда тутилган асосий мақсад бу — қишлоқларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий соҳалардаги айрим муаммоларга барҳам бериш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришдан иборат.

Эътибор берган бўлсангиз, давлатимиз раҳбари жойларда бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишуви чоғида ҳар доим қишлоқ аҳли, фермер ва тадбиркорлар билан яқиндан суҳбат қуради. Аҳолининг яшаши, турмуш шарт-шароити билан қизиқади. Мавжуд муаммолар хусусида сўрайди. Ўз вақтида камчиликларни бартараф этиш учун мутасаддиларга зарур топшириқлар беради. Уларнинг ижросини таъминлаш эса, фуқаролар турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Бугун ҳаётимизда юз бераётган улкан ўзгаришларни теран нигоҳ, холис назар билан баҳолаган киши истиқлол йилларида қишлоқ, маҳаллалар том маънода кўркамлашганига гувоҳ бўлади. Хусусан, пахса девор, хом ғиштдан тикланган уйлар ўрнида, кўркам миллий меъморий услубдаги замонавий турар-жой бинолари қад ростлади. Йўллар, кўчалар ҳавас қиладиган даражада янги қиёфа касб этди.

(Давоми 2-саҳифада)

**Анжуман**

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Васийлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг «Маслаҳат Кенгаши» ҳамда "Эксперт" комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.***

## МИЛЛИЙЛИК РУҲИДА

Бугунги кунда ёш авлод таълим-тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин бўлган иллатларнинг олдини олишда, айниқса матбуот, радио, телевединиенинг алоҳида ўрни бор. Халқимиз маънавияти ва мафкурасини ўзгартириш мақсадида зимдан ҳаракат қилаётган турли оқим ва гуруҳларга қарши матбуотимиз мустаҳкам қалқон бўлмоғи лозим. Бинобарин, ёш авлод, вакилларини милллий қадриятлар ва ўзбекона анъаналарга чуқур эҳтиром руҳида тарбиялаш, глобал ривожланиш даврида ўғил-қизларни турли ёт ғоялар хуружидан ҳимоялаш масаласи бугуннинг устувор вазифасидир. Бу борада, энг аввало, зиёлилар ва қалам аҳли ҳаёт ҳақиқатини акс эттирган ҳолда ёшлар онгу шуурига маънавий жасорат хислатларини сингдирмоғи даркор.

ОАВлари адабий тил нормаларига риоя қилиш лозимлигини талаб этади. Телевиденияда баъзи бир журналистларнинг шевага хос услубда гапириши ҳамда хориж кўрсатувларига тақлид қилишининг ҳанузгача барҳам топмаётгани айтиб ўтилди ва камчиликларга йўл қўйилмасликка оид айрим тавсиялар ўртага ташланди. Келгусида босма оммавий ахборот воситаларида таҳлилий материалларни кўпайтириш ҳамда кўтарилган мавзунинг давомийлигини таъминлаш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда, шунингдек, фонднинг ўтган 2008 йилдаги фаолияти якунлари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, мамлакатда маънавий тарғибот ишлари самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда фонд ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг моҳияти хусусида сўз борди.

**Дилбар МАҲМУДОВА**

**Азиз муштарий! Газетамизга обуна йил бўйи давом этади. У сизнинг доимий ҳамроҳингиз ва маслакдошингиздир.**

